

**Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани маҳаллалари  
мастер-режасини ишлаб чиқиши учун  
Техник Топширик**

1.	<b>Мижоз (Буюртмачи)</b>	Қашқадарё вилояти ҳокимияти (Қашқадарё вилояти ҳокимияти қошидаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компанияси )
2.	<b>Лойиха мақсади</b>	<p>Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шаҳарсозликни иқтисодий фаоллик, барқарорлик ва турмуш даражасини оширишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатида белгилаб берди. Урбанизация салоҳиятини амалга ошириш ер, уй-жой, инфратузилма ва хизматларни ташкилий ҳамда самарали таъминлашни талаб қиласиди. Бунинг учун замонавий илғор ҳалқаро тажрибага мувофиқ ҳудудий ва шаҳарсозликни режалаштириш зарур.</p> <p>Ҳукумат янги режалаштириш воситаси сифатида “Мастер режа”ни жорий қилмоқда. Мастер режадан иқтисодий ривожланиш имкониятларини аниқлаш, ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш, уйғун шаҳарсозлик режаларини яратиш, давлат инвестицияларига аҳамият бериш ва хусусий секторни жалб этишини рағбатлантириш учун фойдаланиши мумкин бўлган мослашувчан ҳужжат сифатида фойдаланилади.</p> <p>Маҳаллий даражада Мастер режалар хусусий сектор томонидан иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаши, ҳудуд аҳолисининг ижтимоий фаровонлигига ва ҳаёт сифатини яхшилашга ҳисса қўшиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиши кутилмоқда. Шу йўл билан ҳукумат барқарор шаҳарсозликни рағбатлантиришини режалаштиromoқда.</p> <p>Ҳукумат Шаҳрисабз туманининг иқтисодий ривожланишини Мираки ҳудудидаги маҳаллалари ҳамда уларнинг тўғридан-тўғри ён атрофи (биргалиқда: Лойиха ҳудуди) учун (Маҳаллий) Мастер режани тайёрлаш орқали қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Лойиха ҳудуди Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида жойлашганлиги сабабли ривожланиш салоҳиятига эга деб топилди. 10-бўлимда Лойиха ҳудуди ва Шаҳрисабз тумани бўйича умумий ва статистик маълумотлар мавжуд. Лойиха ҳудудининг аниқ чегараси Консультант/Компания ва Буюртмачи ўртасида 1-топшириқдаги таҳлил асосида келишиб олинади ва у ўзгариши мумкин – максимал майдон ҳажми 2416.0 минг кв.м бўлиши кутилмоқда. Консультант/Компаниядан Лойиха ҳудудини текшириш ва бирон-бир ўзгартириш киритиш керакми ёки йўқлигини таклиф қилиш сўралади.</p> <p>Мастер режаларни ишлаб чиқиши қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар/туман ҳокимининг биринчи ўринbosари бошчилигига Лойиха оғиси тузилган. Лойиха оғиси мижоз билан биргалиқда сўровлар, тренинглар ўтказиш, статистик маълумотлар ва бошқа зарур маълумотларни тўплашда ёрдам беради.</p> <p>(Маҳаллий) Мастер режани ишлаб чиқишидан мақсад:</p>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хизмат кўрсатиши соҳасига эътибор қаратган ҳолда Шаҳрисабз тумани, шунингдек Лойиҳа худудини ривожлантириш учун энг яхши салоҳиятга эга бўлган иқтисодий фаолият турларини аниқлаш.</li> <li>• Манфаатдор томонлар билан, жумладан маҳаллий ҳокимият, хусусий сектор ва фуқоролик ташкилотлари билан умумий тасаввурларни, мақсадларни яратиш.</li> <li>• Ушбу тасаввурлар ва мақсадларга эришиш учун қандай давлат ва хусусий инвестициялар зарурлигини аниқлаш.</li> <li>• Ушбу инвестициялар мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилишини таъминлайдиган ҳудудий Мастер режани ишлаб чиқиш (жумладан, техник-иктисодий асослаш, амалга ошириш босқичлари ва бошқалар).</li> <li>• Хусусий сектор томонидан ривожлантириладиган ер участкаларини аниқлаш ва ушбу участкалардан фойдаланиш йўналишлари ва уларга қўйиладиган талаблар қўлланилишини аниқ кўрсатиш.</li> </ul> <p>Мастер режа 2022-2026 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган.</p>
3.	<b>Асосий вазифалар</b>	<p>Лойиҳа 6 та асосий вазифадан ташкил топган:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li><b>1. Таҳлил:</b> Шаҳрисабз туманининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда Лойиҳа худудининг жорий ҳолатини (ердан фойдаланиш, иқтисодиёт, инфратузилма ва атроф-муҳит) таҳлил қилиш.</li> <li><b>2. Иқтисодий ривожланиш салоҳияти:</b> Лойиҳа ҳудудида турли иқтисодий фаолият (хизматлар, савдо, туризм, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш) салоҳиятини баҳолаш ҳамда имкониятлар ва муаммоларни аниқлаш.</li> <li><b>3. Маҳаллаларни ривожлантириш тасаввурлари, мақсадлари:</b> Лойиҳа худудини келгусида ривожлантириш учун маҳаллий манфаатдор томонлар билан келишган ҳолда, уларнинг таклифлари асосида Маҳаллаларни ривожлантириш концепциясини – мастер-режасини ишлаб чиқиши.</li> <li><b>4. Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари:</b> Хусусий секторни жалб қилиш салоҳиятига эга бўлган инфратузилма ва лойиҳаларга давлат томонидан зарур инвестицияларни аниқлаш. Ушбу лойиҳалар учун талаб этиладиган давлат ва хусусий инвестициялар ҳамда лойиҳалар ҳажмини, шунингдек кутилаётган ижтимоий-иктисодий натижаларни, фойдани (янги иш ўринлари; иқтисодий ўсиш) ҳисоблаш.</li> </ol>

		<p><b>5. Ердан фойдаланиш билан мастер режа харитаси:</b> Инвестицион лойиҳаларнинг (ҳам давлат, ҳам хусусий) жойларини кўрсатадиган (худудга монан) ердан фойдаланиш режасини тузиш ва эрхитектура кўрсатмалари ҳамда батафсил дизайнларни яратиш.</p> <p><b>6. Ер участкаларини аукцион орқали сотища фойдаланадиган участка паспортлари:</b> Қайси ер участкаларини ер сотиши (аукцион) йўли билан хусусий секторга сотиш мумкинлиги ва ҳар бир ер участкасида функциялари (зоналарга ажратиш) ва қурилиш ҳажми бўйича нималарга рухсат берилиши, қандай экологик чекловлар (мавжуд бўлса) кўлланилишини белгилаш.</p> <p>Ҳар бир вазифанинг мазмуни қўйида батафсил кўрсатилган</p>
4.	<b>Вақт режаси (муддат)</b>	<p>Лойиҳа <b>3,5 ой давом этиши ва 15.11.2022 йилдан бошланиб, 01.03.2023 йилгача қўйидаги лойиҳа жадвали кўринишида якунланиши</b> кутилмоқда</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 1-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 2 ой ичида якунланиши</li> <li>• 2-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 2 ой ичида якунланиши</li> <li>• 3-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3 ой ичида якунланиши</li> <li>• 4-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3 ой ичида якунланиши</li> <li>• 5-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3 ой ичида якунланиши</li> <li>• 6-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3,5 ой ичида якунланиши</li> </ul>
5.	<b>Батафсил иш ҳажми, ҳисобот материаллари ва натижалари</b>	
5.1	<b>1-вазифа:</b>  <b>Лойиҳа худуди ва имкониятлар/хатарларни таҳлил қилиш.</b>	<p><b>Консультант/Компаниядан қўйидаги чора-тадбирларни (ишларни) кутилмоқда:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа ҳудудида мавжуд иқтисодий фаолиятни (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо ва логистика) ва иш ўринлари сонини аниқлаш. Агар аниқ маълумотларни олишнинг иложи бўлмаса ёки маълумотлар нотўғри кўринса, тахминлар тақдим этилиши керак. Асосий эътибор икки маҳаллага қаратилсада, таҳлилда муҳим инфратузилма ёки иқтисодий фаолиятга эга бўлиши мумкин бўлган яқин атроф ҳудудларини ҳам ҳисобга олиш керак.</li> <li>• Шаҳарсозлик таҳлили: Лойиҳа ҳудудининг шаҳардаги жойлашуви, асосий инфратузилма, яшил тузилма ва ландшафт, муҳим жамоат жойлари, иқтисодий функциялар ва ҳоказолар.</li> <li>• Давлат хизматлари ва уларнинг мавжудлиги (таълим, тиббиёт ва бошқалар)</li> <li>• Ўртacha даромадлар, уй-жой нархи, ўртacha таълим даражаси, камбағаллик даражаси бўйича Лойиҳа ҳудуди учун ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар. Агар аниқ маълумотлар олинмаса, манфаатдор томонлар билан сұхбатлар асосида тахминлар тақдим этилиши керак.</li> <li>• Лойиҳа ҳудуди (ва унинг иқтисодий фаолияти) етарли ва самарали инфратузилма ва коммунал хизматлар билан таъминланганлигини баҳолаш.</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• 20-25 нафар манфаатдор томонлар, жумладан маҳаллий ҳокимият вакиллари, Лойиҳа ҳудуди/шахардаги бизнес эгалари ва маҳаллий ҳамжамият (Маҳалла фаоллари) билан сұхбатлар.</li> </ul> <p><b>1- вазифа натижаси:</b></p> <p>1-Ҳисобот: Мавжуд вазиятни хulosалар билан "таҳлил қилиш" (Ворд, ПДФ форматларида), шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• шаҳарсозлик таҳлилиниң ҳариталари ва инфографикаси (шаҳар түзилмасы, инфратузилма, коммунал хизматлар, яшиллик ва сув) ва лойиҳа ҳудудининг ижтимоий-иктисодий ҳолатига оид маълумотлар жадваллари/тушунтиришлари.</li> <li>• Лойиҳа ҳудудида (ва унинг яқин атрофи) ердан фойдаланиш хусусиятлари ва ҳудуддан фойдаланишдаги ҳар қандай (экологик) чекловлар, мавжуд вазиятнинг ҳаритаси(лар)и.</li> <li>• Сўров ўтказилган манфаатдор томонларнинг (маҳаллий ҳокимлик, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар) лойиҳа ҳудудининг жорий ҳолати ва келажақдаги ривожланиши бўйича асосий масалалари, хulosалари ва хавотирлари.</li> <li>• Лойиҳа ҳудудини ривожлантириш учун чекловлар ва имкониятлар тўғрисида хулоса чиқариш учун зарур бўлган ҳар қандай бошқа таҳлилий материаллар</li> <li>• Лойиҳа ҳудудининг кучли, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидларини (SWOT) кўрсатувчи таҳлил хulosаси</li> </ul>
5.2	<p><b>2-вазифа:</b></p> <p><b>Иқтисодий ривожланиш таҳлили</b></p>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириш кутилмоқда:</b></p> <p>2-вазифа Лойиҳа ҳудудининг иқтисодий ривожланиш салоҳиятини аниқлашга қаратилган. Бу ҳудудда ўсишни рағбатлантириш, иш ўринларини яратиш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш учун муҳим бўлиши мумкин бўлган иқтисодий омилларни аниқлаш орқали амалга оширилади.</p> <p>Консультант/Компаниядан Лойиҳа ҳудудида инвестициялар яратиш ва ривожланиш учун энг юқори салоҳиятга эга бўлган истиқболли иқтисодий «омиллар»ни аниқлашда ўз тажрибасидан фойдаланишни ва шу орқали улар жойлашган шаҳарларнинг иқтисодий ўзгаришига ҳисса қўшиши сўралади.</p> <p>Бундай «омиллар»ни аниқлашда қуйидаги элементларга асосланганлиги назарда тутилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа ҳудуди жойлашган шаҳар ва мінтақанинг жорий иқтисодий профили.</li> <li>• Малакаси даражасини кўрсатган ҳолда Ишчи кучи (маҳаллий ва шаҳар) таҳлили.</li> </ul>

- Лойиха худудида ёки унинг атрофида кенгайтирилиши ёки тегишли хизматлар/фаолиятлар билан мустаҳкамланиши мумкин бўлган мавжуд иқтисодий фаолият, фойдаланиш мумкин бўлган мавжуд маҳаллий ресурслар (ёдгорликлар ёки туризм учун маданий мерос объектлари, маҳаллий ҳунармандчилик ёки озиқ-овқат ихтинослиги).
- Лойиха худудининг шаҳардаги жойлашувидан келиб чиқадиган потенциал ва унинг ривожланиши кенгрок шаҳар контекстига қандай боғлиқ бўлиши (масалан, шаҳар марказига яқин жойлар учун тижорат кўчмас мулклари ва бошқалар).
- Ўзбекистон шароитида ҳам мос бўлиши мумкин бўлган ривожланишнинг айрим турларини кўрсатувчи халқаро тажрибалар ёки ривожланиш даражаси ўхшаш шаҳарларнинг кўрсаткичлари.

Лойиха худудлари шаҳарнинг марказий қисмларида жойлашганлиги сабабли, ривожланишнинг асосий эътибори хизмат кўрсатиш соҳасига (тижорат хизматлари, кўчмас мулк, савдо, туризм, ҳунармандчилик ёки енгил ишлаб чиқариш) қаратилиши кутилмоқда. Ўзбекистон хизмат кўрсатиш соҳасини келгуси ўн йилликларда, хусусан, шаҳарларда иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида белгилаб берди. Ушбу шаҳарларда саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўялиги фаолияти камроқ мос келади.

Ҳар бир аниқланган иқтисодий фаолият учун келгуси йиллар учун таҳминий талабни ( $m^2$  ялпи майдонда) аниқлаш (икки босқичда: 2026 йилгача 1-босқич; иккинчи босқич 2027-2030). Мақсад лойиха худудида реал ишлаб чиқилиши мумкин бўлган қурилиш ҳажмлари ҳақида тушунчага эга бўлишдир. Бу давом этаётган қурилиш лойихалари бўйича шаҳар миқёсида маълумотлар етарли эмаслиги сабабли, бу "энг яхши хисоб-китоблар" бўлиши тушунилади. Бундай хисоб-китобларни тақдим этиш учун манбаатдор томонлар билан суҳбатлар (банклар, маҳаллий ишлаб чиқувчилар), халқаро мисоллар (кўрсаткичлар), шунингдек, эҳтимол иқтисодий моделлаштиришдан фойдаланиш тавсия этилади.

Агар 1-вазифадаги таҳлил лойиха худуди драйвери сифатида туризм салоҳиятига эга эканлигини кўрсатса, куйидаги саволларни ўрганиш керак бўлади:

- A. Лойиха худудининг сайёҳлик салоҳияти қандай – ташриф буюрувчилар учун нимани кўриш ва нима қилиш керак? Қандай қизиқарли жойлар бор?
- B. Қандай турдаги ташриф буюрувчиларни жалб қилиш мумкин (мақсадли гуруҳлар) ва улар қаердан? Халқаро сайёҳлар, болали оиласлар, тарих ва маданий меросга қизиқувчи қариялар ва ҳоказо. Улар ёлғиз ёки гуруҳ бўлиб саёҳат қиладими?
- C. Ушбу мақсадли гуруҳлар ташриф буюрувчилар тажрибаси ва мавжуд хизматлар нуқтаи назаридан нимани кутишади? Ҳашаматли меҳмонхоналар ёки маҳаллий меҳмонхоналар? Улар одатда қанча ва нимага харажат қилишади?

		<p>D. Лойиҳа худудида нималар мавжуд ва нима етишмаяпти? Етишмаётган хизматлар/фаолиятлар қандай тақдим этилиши мумкин? Жозибадор таклифни яратиш учун улар қаерда жойлашган бўлиши керак?</p> <p>E. Маркетинг ва коммуникация: аниқланган мақсадли гурухларни лойиҳа худудига қандай жалб қилиш мумкин? Қандай қилиб мулоқот Шаҳрисабз туманига ташриф буюрувчиларни жалб қилиш учун кенгроқ режа ёндашувнинг бир қисми бўлиши мумкин?</p> <p><b>2- вазифа натижаси:</b></p> <p>2-Ҳисобот: "Иқтисодий ривожланиш салоҳияти" (ворд / пдф формати) ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Лойиҳа худуди учун аниқланган иқтисодий драйверлар/фаолиятлар, таҳлил ва маълумотлар жадваллари ва тавсия этилган танлов учун аниқ асослар/тушунтиришлар билан тасдиқланган ҳолда.</li> <li>Манфаатдор томонлар билан сұхбатлар ва Консультант/Компаниялар тажрибасига ва кўрсатгичларига асосланган ҳар бир иқтисодий фаолият учун тахминий курилиш ҳажмлари билан маълумотлар жадвали – тушунтириш билан.</li> <li>Аниқланган иқтисодий тармоқларда яратилиши мумкин бўлган иш ўринлари сонининг ҳисоб-китоби (тўғридан-тўғри ва билвосита/ кўшимча (spin-off) бандликни ҳисобга олган ҳолда).</li> <li>Туристик салоҳият мавжуд бўлганда; Лойиҳа худудига қайси мақсадли гурухларни жалб қилиш мумкинлиги, улар қандай хизматлар ва тадбирларни кутишлари ҳакида тушунтириш; инвестиациялар билан (инфратузилма; кўчмас мулк; бошқарув; алоқа) талаб қилинади.</li> </ul>
5.3	<b>3-Топшириқ:</b> <b>«Тасаввурлар, мақсадлар» ва маҳаллалар концептуал дизайнни</b>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириши кутилмоқда:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Фуқаролар, давлат вакиллари ва хусусий сектор вакиллари билан ўтказилган сұхбатлар асосида қисман Лойиҳа худудини ривожлантириш тасаввурлари, мақсадлари тайёрланади (1-вазифа). Тасаввур, мақсад - Лойиҳа худудида эришилиши керак бўлган бир қатор мақсадларда янада аниқланади.</li> <li>Тасаввур, мақсад “Маҳалла концептуал дизайнни”да тасвирланган бўлиб, у лойиҳа худудини ривожлантиришнинг асосий концепциясини кўрсатувчи схематик харита бўлиши керак: асосий инвестиациялар, инфратузилмани яхшилаш, жамоат майдонини янгилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари ва хок.</li> <li>Тасаввур, мақсад ва Маҳалла концептуал лойиҳалари бўйича кўмак ва фикр-мулоҳазаларни олиш учун асосий манбаатдор томонлар (хукумат, маҳалла фаоллари, хусусий сектор) билан учрашув(лар)ни ташкил қилиш.</li> </ul>

		<p><b>3- топшириқ натижаси:</b></p> <p>3-хисобот “Тасаввур, мақсад ва Маҳалла концепция лойиҳаси” (Ворд / пдф), унга киритилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Лойиҳа худуди тасаввури ва уни ривожлантириш мақсадлари. Бу мавжуд иқтисодий ривожланиш имкониятларини ва зарур инфратузилмани яхшилашни акс эттириши керак.</li> <li>Лойиҳа худудини «яшил» ва «барқарор» усулда ишлаб чиқиши схематик кўрсатувчи Маҳалла концепцияси лойиҳаси.</li> <li>Бу манфаатдор томонларга тасаввур ва Маҳалла концепцияси лойиҳасини аниқ етказадиган матн ва визуал / инфографикадаги тушунтиришлар билан бирга бўлиши керак.</li> </ul>
5.4	<p><b>4-вазифа:</b></p> <p><b>Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари</b></p>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуидаги фаолиятлар кутилмоқда:</b></p> <p>4-вазифа 3-вазифадаги тасаввур, мақсадга эришиш учун қайси инвестицион лойиҳалар ва ҳаракатлар зарурлигини аниқлайди. Бунга, масалан, ушбу лойиҳаларни ўз ичига олиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Инфратузилмавий қулайлик учун инвестициялар (йўллар; жамоат транспорти; кўприклар; темир йўл кесишмалари).</li> <li>Чиқиндиларни, бўш ерларни тозалаш, чиқиндиларни йиғиш каби атроф-муҳитни бошқариш бўйича зарур чоралар.</li> <li>Давлат хизматларига (мактаблар, тиббий хизматлар ва бош.) талаб қилинадиган инвестициялар.</li> <li>Муҳим жамоат жойларини қайта лойиҳалаш, жумладан, пиёдалар маршрутлари, белгилар, ёритиш, тўхташ жойлари, автобус бекатлари ва бошқалар.</li> <li>Тарихий дикқатга сазовор жойлар ёки тарихий биноларни асраш ёки қайта таъмирлаш.</li> <li>Офислар, тијорат бинолари, савдо обьектлари, меҳмонхоналар, дўконлар ёки ресторонлар каби янги кўчмас мулк учун инвестиция лойиҳалари.</li> </ul> <p>Белгиланган ҳар бир инвестиция лойиҳалари ва тадбирлари учун юқори даражадаги харажатлар/инвестиция сметалари (контцепция лойиҳаси даражасида) тақдим этилиши ва жадвалга киритилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Инвестициялар тури (тијорат бинолари; асосий инфратузилма; давлат хизматлари).</li> <li>Инвестицияларнинг тахминий ҳажми (капитал харажатлар).</li> </ul> <p>Шунингдек инвестицияларнинг қайси бири хусусий сектор томонидан, қайси бири ҳукумат томонидан амалга оширилиши кутилаётгани ва қайси бири биргаликда амалга оширилиши мумкинлиги аниқланиши керак. Масалан,</p>

		<p>Давлат-хусусий шериклиқда. Бу таклиф қилингандан кутилаётган молиялаштириш манбалари бўйича (шу жумладан маҳаллий / миллий ҳукумат органлари) жадвални ўз ичига олиши керак.</p> <p>Маҳаллаларни ривожлантириш контцепциясининг якуний жадвали барча таклиф қилингандан лойиҳаларни ўз ичига олган ҳолда кўрсатилиб киритилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат инвестицияларининг умумий ҳисобланган миқдори.</li> <li>• Хусусий сектор инвестицияларининг жами кутилаётган миқдори.</li> <li>• Иш ўринларини яратиш ва иложи бўлса, иқтисодий ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кутилаётган ижтимоий-иқтисодий фойда (масалан, асосий кўрсаткичлар асосида Лойиҳа ҳудудида янги корхоналар учун кутилаётган йиллик айланма).</li> </ul> <p><b>4- вазифа натижаси:</b></p> <p>"Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари" ҳисботи (ворд / пдф) кўрсатган ҳолда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аниқланган иқтисодий драйверлар (2-вазифа) ва Маҳаллаларни ривожлантириш контцепциясини ишлаб чиқиш (3-вазифа) асосида таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини қисқача тавсифи билан кўриб чиқиш</li> <li>• Ҳар бир лойиҳа учун харажатлар сметаси ва инвестициялар давлат сектори, хусусий сектор ёки умумий секторга тегишли эканлигини аниқлаш.</li> <li>• Давлат ва хусусий сектор инвестициялари, шунингдек, иш ўринларини яратиш бўйича кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самараларнинг якуний жадвали.</li> </ul>
5.5	<b>5-вазифа: Мастер-режа</b>	<p><b>Консультант /компаниядан қуидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириш кутилмоқда:</b></p> <p>4-вазифа билан параллель равишда таклиф этилаётган инвестициялар – (маҳаллий) мастер-режа ишлаб чиқилиши керак. Мастер режа маҳаллаларни лойиҳалаш контцепциясига асосланади (3-вазифа), лекин батафсилроқ ҳариталар билан ва унда тавсия этилган инвестиция лойиҳалари жойлашуви кўрсатилган (4-вазифа) бўлади.</p> <p>Мастер режа инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши керак (масалан, ривожланиш лойиҳалари мантиқий жойларда жойлашганлиги, транспорт яхши ташкил этилганлиги, танланган инфратузилма инвестицияларининг мантиқийлиги, ҳар қандай дикқатга сазовор жойлар ва маданий мерос обьектлари тегишли даражада ҳимояланганлиги). Энг яхши ҳалқаро тажрибаларни таъминлаш учун (ердан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни бошқариш, барқарор ривожланиш) "Яхши шаҳарсозлик режалаштириш" усулини қўллаш керак.</p>

		<p>Мастер режа камида қуидаги компонентлардан иборат бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Масалан, схематик хариталар (а) инфратузилма тармоғи ва жамоат транспорти; (б) яшил майдонлар; в) иқтисодий ривожланиш; (г) давлат хизматлари ва ижтимоий обьектлар (масштаб 1:10 000 ёки 25 000).</li> <li>• Ердан фойдаланиш харитаси (а) худудни чегаралаш; (б) рухсат этилган қурилиш ҳажми (FAR); (с) қурилиш рухсат этилмайдиган майдонлар, агар мавжуд бўлса (д) мавжуд экологик чекловлар (дарёларнинг тошқиндан ҳимоя қилиш зоналари каби) Карта масштаби 1:5 000 ёки 1:10 000. Autocad файл форматида. Ердан фойдаланиш харитаси матнли тушунтириш билан бирга бўлиши керак.</li> <li>• Биноларнинг ташқи кўриниши ва жамоат жойлари дизайнини белгилайдиган архитектура дизайнни бўйича кўлланма (архитектура услуги мисоллари ва тушунтиришлари билан).</li> <li>• Плакат(лар) тақдимотида, масалан маҳаллий ҳокимият идораси ёки маҳаллада фойдаланиш мумкин бўлган хариталар ва рендерлар билан таклиф этилаётган ечимлар (архитектура/ландшафт/жамоат майдони).</li> </ul> <p><b>1-босқич учун батафсил дизайн:</b></p> <p>Бундан ташқари, шаҳарсозликни ривожлантиришга устувор аҳамият бериладиган 1-босқич худуди учун батафсил лойиҳалаш (масштаб 1:500 дан масштаб 1:2000 гача) талаб қилинади. Консультант/компаниядан лойиҳа худудида иқтисодий ривожланиши жадаллаштириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак бўлган ушбу соҳани аниқлаши сўралади. Буюртмачи томонидан маъқуллангандан сўнг, йўллар ва жамоат жойларининг батафсил лойиҳаси, шунингдек, биноларнинг жойлари (ҳажми, излари) ва бузилишлари (муаммолар) ва уларнинг тавсия этилган дизайнни учун маълумотнома расмлари тузилади. У кўча жихозлари, ёритгичлар (кўча чироқлари), яшил майдонлар (яшиллик), пиёда ва велосипед инфратузилмаси, тўхташ жойлари ва бошқа барча зарур инфратузилма / иншоотларни ўз ичига олади. Шунингдек, қайси худудлар умумий фойдаланиш жойларига айланиши ва қайси участкалар хусусийлаштириш мумкинлиги кўрсатилади. Лойиҳада Ўзбекистон иқлими (соя билан таъминлаш; курғоқчиликка чидамли ўсимлик турлари) ҳисобга олинниши керак. 1-босқичдаги майдонининг кутилаётган ҳажми 5-10 гектар оралиғида бўлиши кутилмоқда.</p> <p><b>5- вазифа натижаси :</b></p> <p>5-хисобот ўз ичига ердан фойдаланиш харитаси, схемалари, чизмалари ва тушунтиришлардан ҳамда 1-босқич майдони учун батафсил дизайндан (режалаштириш лойиҳасидан) иборат бўлади.</p> <p>4 ва 5-вазифалар натижаларини битта ҳисоботга киритилиши мумкин.</p>
5.6	<b>6-вазифа:</b>	<b>Консультант /компаниядан қуидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириш кутилмоқда:</b> 6-вазифа хусусий сектор томонидан тижорат фаолиятини (бизнес) ривожлантириш учун ажратиладиган ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнини кўллаб-куватлашдан иборат.

	<b>Ерларни аукционга чиқариш/ хусусийлаштиришни кўллаб-куватлаш</b>	<p>Бунда, инвесторга участкадан қандай фойдаланиш мумкинлигини аниқ кўрсатувчи “ер участкаси паспорти” яратиш орқали амалга ошириш кутилмоқда. “ер участкаси паспорти” қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ер участкаларида ривожлантиришга рухсат этилган қоидалар, йўналишлар / зоналаштириш.</li> <li>• Рухсат этилган қурилиш ҳажми (FAR), шунингдек, рухсат этилмайдиган майдонлар (агар мавжуд бўлса).</li> <li>• Амалий архитектура меъморий кўрсатмаларга, қоидаларга риоя қилиш.</li> <li>• Мавжуд экологик чекловлар.</li> <li>• Яшил қурилиш технологиялари бўйича қўлланилиши мумкин бўлган талаблар бўйича таклифлар.</li> </ul> <p>Ушбу маълумотлардан ер участкаларини Курилиш вазирлигининг онлайн аукцион веб-сайтида эълон қилиш учун фойдаланилади.</p> <p><b>6-вазифа натижаси:</b> Ҳар бир ажратилган ер участкаси учун биттадан “ер участкаси паспорти”.</p>
6.	<b>Бошқа хусусиятлар</b>	<p>Амалга ошириладиган ишлар, чора-тадбирлар амалдаги техник регламентларга, қоидаларга асосан, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши керак. Расмийлаштириладиган хужжатлар халқаро стандартларга жавоб бериши керак.</p> <p>Консультант/ Компания иш натижаларига (хужжатларга) бўлган барча хукукларни ҳамда учинчи шахсга бермасликни кафолатлайди.</p>
7.	<b>Амалий натижалар</b>	<p>Хужжатлар ва хисботлар “pdf” ва «word» форматида. Батафсил чизмалар ва дизайнлар «Autocad» форматида. Схематик ва концептуал карталар/чизмалар Консультант/ Компания томонидан белгиланган форматда бўлади. Чизмалар, карталар ва дизайнлар асл форматда (.dwg; .ai; .psd).</p>
8.	<b>Бюджет</b>	Максимал 150.000 АҚШ доллар
9.	<b>Баҳолаш мезонлари</b>	<p>Консультант/ Компания таклифлари қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Техник баҳолаш сифати (Тасаввур, мақсад + ёндашув): 30%</li> <li>• Лойиҳа гурухининг сифати (ходимлари сифати): 20%</li> <li>• Портфолио ва ўхшаш лойиҳалар (тажриба): 20%</li> <li>• Иш режаси (жадвали): 10%</li> <li>• Молиявий таклиф (нархи): 20%</li> </ul>
10.	<b>Худуд тўғрисида дастлабки маълумотлар</b>	<p><b>“Мираки” худуди, Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани тоғ олди худудида жойлашган.</b></p> <p><b>Координаталари - 39°01' 51"N 67°06' 39"E</b></p> <p><b>“Мираки” худуди “Мираки”, “Улоч”, “А.Темур” маҳалла фуқаролар йигинларидан иборат.</b></p> <p><b>Худуднинг туризм салоҳияти.</b></p>

Худуд **Ҳисор** тоғ тизмаларида жойлашган бўлиб, **Оқ-сув ва Қора дарёлар** оқиб ўтади (йил давомида қуримайди). Бундан ташқари **Ҳисорак сув омбори** ҳам жойлашган бўлиб, **2 та** соғломлаштириш санаторияси ҳамда **5 та** болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга республикадаги энг баланд **Ҳазрати Султон** ота чўққиси ва энг катта **Сувтушар** шаршараси жойлашган.

“Мираки” худудида **2 736** та хонадонда **13 367** нафар аҳоли истиқомат қиласди, Аёллар сони **6 808**, эркаклар сони **6 559** нафар, меҳнатга лаёқатли аҳоли **6 859** нафарни, иқтисодий фаол аҳоли **5 560** та, ишсизлар сони **428** нафарни ташкил этади.

Худуди **-2 416,0** минг кв.м ташкил этади

Жумладан,

“Мираки” МФЙ худудида **1 018** та хонадонда **5 182** нафар аҳоли истиқомат қиласди. (шундан, аёллар **2 671** нафар, эркаклар **2 511** нафар). меҳнатга лаёқатли аҳоли **2 725** нафар, иқтисодий фаол аҳоли **1 983** нафар, ишсизлар сони **209** нафар.

Мактаблар сони **3** та, **6** та МТТ, жами тадбиркорлик субъектлари сони **81** та, (кичик бизнес субъектлари **34** та, ЯТТлар **47** та) (савдо дуконлари **53** та, фермер хўжаликлари **7** та, қурилиш корхоналари **2** та, саноат корхоналари **3** та, хизмат кўрсатиш шоҳобчалари **16** та).

“А.Темур” МФЙ худудида **1002** та хонадонда **4 617** нафар аҳоли истиқомат қиласди. (аёллар **2 307** нафар, эркаклар **2 310** нафар). меҳнатга лаёқатли аҳоли **2 334** нафар, иқтисодий фаол аҳоли **2 277** нафар, ишсизлар сони **21** нафар.

Мактаблар сони **2** та, **1** та МТТ, жами тадбиркорлик субъектлари сони **36** та, (кичик бизнес субъектлари **26** та, ЯТТлар **10** та) (савдо дуконлари **35** та, хизмат кўрсатиш шоҳобчалари **1** та).

“Улоч” МФЙ худудида **716** та хонадонда **3 568** нафар аҳоли истиқомат қиласди. (аёллар **1 830** нафар, эркаклар **1 738** нафар). меҳнатга лаёқатли аҳоли **1 800** нафар, иқтисодий фаол аҳоли **1 300** нафар, ишсизлар сони **117** нафар.

Мактаблар сони **2** та, МТТ **1** та, жами тадбиркорлик субъектлари сони **36** та, (кичик бизнес субъектлари **26** та, ЯТТлар **10** та) (савдо дуконлари **15** та, фермер хўжаликлари **15** та, қурилиш корхоналари **3** та, хизмат кўрсатиш шоҳобчалари **3** та).

#### **Хизмат ва савдо соҳасини иқтисодий кўрсаткичлари**

**Хизмат кўрсатиш**, 2017 йилда ўсиш суръати **4 021** млн сўмни, 2018 йилда **4 157** млн сўмни, 2019 йилда **4 978** млн сўмни, 2020 йилда **3 548** млн сўмни ташкил этиб, 2021 йилда **7 045** млн сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисабат **2** баробарга ўсади.

**Савдо**, 2017 йилда ўсиш суръати **18 326** млн сўмни, 2018 йилда **20 570** млн сўмни, 2019 йилда **21 482** млн сўмни, 2020 йилда **11 240** млн сўмни, 2021 йилда **22 048** млн сўмни ташкил этди. Савдо 5 йил ичида **1,2** марта ўсади.

**Фаолият** кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2017 йилда **96** та бўлса, 2021 йилга келиб **153** тага етди.